

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
ЁНДАШУВЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент- 2017**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201\_ йил \_\_\_\_\_ “\_\_\_” – сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:**

*Р.И.Нуриμβетов, иқтисод фанлари доктори, профессор*

*Ўқув -услугий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий-методик кенгашининг 201\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....4
II.	МАЪРУЗА МАТНЛАРИ .....25
III.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР .....58
IV.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....65
V.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....68
VI.	БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....70
VII.	ГЛОССАРИЙ.....72

# I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

---

## Кириш

Бугунги кунда таълим, хусусан, олий таълим ижтимоий ривожланишнинг глобал омилларидан бирига айланган тарзда миллий ва умумжаҳон устуворликларида жамият эҳтиёжларини қондириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий институтлардан бири ҳисобланади.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли туб ислохотлар миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимида ҳам сифат ўзгаришларини амалга оширишга замин яратди. Истиклолга эришгунимизга қадар таълим соҳаси ўта марказлаштирилган, республиканинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ва халқ менталитети эътиборга олинмаган, мафкуралашган, зарур касбий йўналтиришга эътибор берилмайдиган ҳолатда эди. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мавжуд таълим соҳасидаги ижобий натижаларни сақлаб қолиш ва ўтмишдан қолган мероснинг салбий жиҳатларини ҳамда ўтиш даври билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш учун жиддий чоралар кўриш талаб этиларди.

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмас” эди.

Шу сабабли И.А.Каримов ташаббуси билан МДХ давлатларида орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида қатъий

ислохотлар амалга оширила бошланди. Айниқса, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш” Миллий дастурининг амалга киритилиши янги босқични бошлаб берди. Натижада таълим тизими ва мазмун-моҳияти бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Бунда собиқ Иттифоқ даврида “таълим – бир умрга” тамойили “бешикдан қабргача илм изла” мақолидан келиб чиққан ҳолда “бир умр таълим” тамойилига алмаштирилди ҳамда узлуксиз таълим концепцияси ва касб-ҳунар таълимининг ислохоти самараси ўлароқ, меҳнат бозорини муайян касбий кўникмаларга эга шахслар билан таъминлаш имконини берди.

Натижада таълим соҳаси ҳам бозор муносабатларига мослаштирила бошланди. Маълумки, бозор шароитида таълим соҳасини 100 фоиз давлат бюджетидан амалга оширилган ажратмалар эвазига ташкил этиш бозор қонуниятига талабларига зид. Мактабгача таълимда хусусий муассасаларнинг фаолият юритиши, кўп бўлмаса-да, айрим хусусий ўрта таълим мактабларининг очилиши, олий ўқув юртларида контракт тўловлари асосида таълимнинг жорий этилиши, касбий ва малака ошириш таълимининг ҳақ эвазига амалга оширилиши соҳада ўзини-ўзи молиялаш тизимини вужудга келтириш учун асос бўлди. Зеро, таълим соҳасида кўрсатиладиган пулли хизматлар таълим берувчиларнинг молиявий қўллаб-қувватланишига, муассасанинг моддий-техника базасининг ривожланишига ва соҳада рақобат муҳитини вужудга келишида муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикасида охириги йилларда таълим тизимини ислох этиш ва ривожлантиришга ажаратилган маблағлар ЯИМнинг 10-12 фоизини ташкил этган ҳолда бу давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. Республикамизда таълим тизими сифатини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олиниши учун ҳар томонлама шароит яратиш – давлат бошқаруви идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур ишчи дастурда олий таълим сифати менежментини ташкил этиш ва уни янада такомиллаштириш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг

асослари жумладан: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари” **модулининг мақсади:** олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини олий таълим сифати менежментининг илмий-услубий асослари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, олий таълим сифатини ошириш борасидаги меъёрий ҳужжатлардаги айрим муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш борасида кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари” **модулининг вазифалари:**

- тингловчиларда сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари асосида олий таълим муассасаларида ўқув-услубий, илмий ва тарбия жараёнлари сифатини таъминлаш малакаларини шакллантириш;

- олий таълимда сифатни таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси сифатида қонун ҳужжатларини таҳлил этиш;

- тингловчиларда олий таълим сифатини ошириш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- сифат менежменти тушунчаси, сифатни ошириш борасидаги замонавий ёндашувлар;

- олий таълимда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллар;

- таълим сифатини баҳолаш борасида олий таълим муассасаларининг аттестацияси ва аккредитацияси;

- олий таълимда умум сифат менежменти тизимини жорий этиш;

- олий таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

- ўз касбий фаолият соҳаларида олий таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таълим хизматларини кўрсатиш;

- олий таълим сифатини бошқариш ва уни ривожланиш истикболларини таҳлил қилиш;

- олий таълим сифати менежментига доир кейслар, ишбилармонлик ўйинларини тузиш;

- таълимда сифатни бошқаришнинг назарий асосларини амалиётда самарали қўллаш **кўникмаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- олий таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллардан амалиётда тўғри фойдалана олиш;

- таълим сифатини оширишга доир муаммоларни аниқлаш ва таҳлил этиш;

- олий таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- таълим сифатини бошқаришни баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- олий таълимда сифат менежментини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қўллашда ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш;

- олий таълим сифати менежментининг назарий-услубий асослари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

- таълим сифати менежменти концепцияси асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- олий таълим сифати менежментини такомиллаштириш борасида хулосалар бериш ва қарорлар қабул қилиш;
- тизимли ёндашув тавсифидаги **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари” курси амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари” модули мазмуни ўқув режадаги “ОТМларда таълим сифатини бошқаришнинг хусусиятлари, уни таъминлашда раҳбар кадрларнинг роли ва функциялари”, “ОТМларда таълим сифатини таъминлашнинг ташкилий муҳити”, “Таълим сифатини таъминлаш тизимининг индикаторлари”, “Таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни жалб этиш”, “Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежмент”, “Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар” ва “Таълим сифати мониторинги ва назорати” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг олий таълим сифатини бошқариш бўйича касбий ва бошқарув маҳорати даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълимда сифат



менежменти асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Таълим сифатини таъминлашнинг тамойиллари, концепцияси	2	2		2	
2.	Таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндашувлари	4	2		2	2
3.	Таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндашувлари. Касбий таълим сифатини ошириш борасидаги замонавий ёндашувларнинг ривожланиш тенденциялари	4	2		2	2
		10	6		6	4

### МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-Мавзу: Таълим сифатини таъминлашнинг тамойиллари, концепцияси**

## РЕЖА

**1. Сифат тушунчаси. Сифат менежменти концепцияси**

**2. Сифат менежменти тамойиллари**

**3. Таълим сифати менежменти ва таълим сифатини бошқаришга бўлган ёндашувлар**

**4. Таълим сифатини баҳолаш ёндашувлари**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Қонуннинг мақсади ва вазифалари. Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари. Таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақоми. Таълим тизими ва таълимнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим тизими соҳасидаги ваколатлари. Махсус ваколатли давлат органларининг ваколатлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

### **2-Мавзу: Таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндашувлари**

#### **Режа:**

**1. Олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро методлари**

**2. Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар ва**

## ёндашувлар

### 3. Европада олий таълимни ислоҳ этишга олиб келган омиллар

### 4. Буюк Британия(QAA) олий таълим сифатини назорат қилиш агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869-сонли Фармони, “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сонли Фармони, “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори, “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори, “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2006 йил 16 февралдаги 25-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”ги 304 - сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги” 393 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 515-сон қарори, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори.

**3-Мавзу: Таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндашувлари.  
Касбий таълим сифатини ошириш борасидаги замонавий ёндашувларнинг  
ривожланиш тенденциялари**

## РЕЖА:

### 1. Таълимдаги ислохотлар тажрибалари. Болония келишуви

### 2. Таълимни бошқаришнинг замонавий парадигмалари

### 3. Амалий топшириқлар

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар, фан дастурлари, “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи), “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2009 йил 22 майдаги 160-сонли буйруғи), Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2005 йил 21 февралдаги 34-соли буйруғи), “Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 1998 йил 10 августдаги 185-сонли буйруғи), “Магистратура тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2012 йил 28 декабрдаги 418-сонли буйруғи), Олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши тўғрисидаги Намунавий Низом (ОЎМТВнинг 2011 йил 3 декабрдаги 487-сонли буйруғи), Олий таълим муассасаларида бакалавр талабаларнинг битирув малакавий ишини бажариш ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар (ОЎМТВнинг 2010 йил 9 июндаги 225-сонли буйруғи), “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2004 йил 26 мартдаги 79-сонли буйруғи), ОЎМТВнинг “Вақт меъёрлари тўғрисида”ги 2004 йил 19 апрелдаги 105-сонли буйруғи, “Олий таълим муассасалари факультетлари тўғрисида”ги Низом, “Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида”ги Низом (ОЎМТВнинг 2011 йил 3 декабрдаги 487-сонли буйруғи), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 2 августдаги 278-сонли буйруғи билан тасдиқланган Олий ва ўрта махсус,

касб таълими тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 13 апрель 76-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳақида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Таълим муассасаларини Намунавий ички тартиб қоидалари ҳамда Уставини тасдиқлаш ҳақида”ги 2010 йил 1 июндаги 257-сонли буйруғи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарори.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Тингловчилар учун мустақил таълим бўйича тавсия этиладиган мавзулар рўйхати**

1. Таълим сифатини аниқлашга бўлган замонавий ёндашувлар.
  2. Таълим сифатини баҳолашнинг асосий моделлари
  3. Олий таълимда модернизация жараёнини амалга ошириш учун лозим бўлган вазифалар.
  4. Таълимда модулли ёндашув тамойиллари.
  5. Таълимда сифат менежментининг мақсад ва вазифалари.
  6. Таълим сифатини бошқариш методлари.
  7. Олий таълим тизимида умум сифат менежментининг ўрни.
  8. Таълимнинг умум сифат менежментида баҳолаш муаммолари.
  9. Таълимнинг умум сифат менежментида стандартлаштириш муаммоси.
  10. Таълимнинг умум сифат менежментида аккредитация муаммоси.
  11. Таълимнинг умум сифат менежментида рейтинглаш масалалари.
  12. Олий таълим тизимида сифат менежменти методологияси.
  13. Давлат таълим стандарти ва кадрлар тайёрлаш сифати.
  14. Олий таълимда сифатни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари.

15. Олий таълимда сифатни бошқаришни ривожланиши ва бошқарув моделлари.
16. Таълим сифати менежменти субъекти ва унинг фаолиятини ташкил этиш.
17. Таълим тизимида сифат менежментини жорий этишнинг ташкилий ҳуқуқий асослари.
18. Олий таълим муассасаларини аттестациялаш ва аккредитациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва тартиби.
19. Олий таълим сифатини бошқаришга қўйиладиган замонавий талаблар.
20. Олий таълим муассасаси имиджи ва унга таъсир этувчи омиллар.
21. Таълим сифатини бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларининг роли.
22. Сифатни таъминлаш жараёнларининг олий таълим муассасаларини бошқариш ва ташкил этишга таъсири.
23. Ўзбекистонда олий таълим сифатини таъминлаш тизимини Болонья тамойиллари билан таққослаш.
24. Хорижда таълим сифатини баҳолашга бўлган ёндашувлар таҳлили.
25. Таълим сифатини оширишга инновацион ёндашув.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.



5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
7. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
13. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавийтимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” газетаси 2009 йил 14 февраль.

17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фукаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.

18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

20. Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.- Т.:“Ўзбекистон”, 2014, 27- б.

21. Каримов И.А. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” -Т.: Ўзбекистон, 2016.

22. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутк /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. - 56 б.

23. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва

2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 16 январь.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – утувор вазифамиздир” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 январь.

## **II. Меъорий-ҳуқуқий ҳужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил

8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) – Т., 2016.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августдаги “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги 344-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)” Тартиби.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2001., № 7, 43-модда.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сонли Қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 9-сон, 107-модда.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 6-7-сон, 37-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 190-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 10-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сон қарори билан тасдиқланган “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.,9-сон, 98-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.,33 (689)-сон, 442-модда.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”ги 304 - сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги” 393 сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 515-сон қарори.

### **III. Махсус адабиётлар.**

1. Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. –Т., Истиклол, 2004.
2. Олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. –Т., 2013.
3. Алексеева, Л. Н. Инновационные технологии как ресурс эксперимента/ Л. Н. Алексеева// Учитель. - 2004. - № 3. - с. 28-30.
4. Злобин Э.В., Мищенко С.В., Герасимов Б.И. Управление качеством в образовательной организации. Тамбов: Изд-во Тамб. Гос.техн. ун-та, 2004.-88 с.
5. Корзникова Г.Г. Менеджмент в образовании. Практический курс.-М. “Академия”, 2008-288 стр.
6. Коротков, Э.М. Управление качеством образования: учебное пособие для вузов /Э.М. Коротков. — 2-е изд. — М. : Академический Проект, 2007. — 320 с.
7. Краснова Г.А. Открытое образование: цивилизационные подходы и перспективы. –М.: РУДН. 2002.
8. Мазур И.И., В.Д. Шапиро. Управление качеством: уч. пособ. для студентов вузов – М.: Изд-во Омега - Л, 2006.
9. Меликян А.В. Обеспечение качества высшего образования в странах ОЭСР.// Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика, 2008. № 7/8.
10. Огвоздин В.Ю. Управление качеством. Основы теории и практики. – М.: «Дело и Сервис», 2009.
11. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти.Т.: “Молия” нашриёти, 2002 й. 184 б.
12. Регион: Управление образованием по результатам Теория и практика / Под редакцией П.И.Третьякова. –М.: Новая школа. 2001.
13. Семеусов В. Предпринимательская деятельность в вузе. // Российская юстиция. –М.: 2000.

14. Управление качеством образования: Практикоориентированная монография и методическое пособие / под ред. М.М. Поташника - М.: Педагогическое общество России, 2000 - 448 с.

**Интернет сайтлари:**

[www.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz). – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг веб сайти.

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz). – ТДПУ сайти

[www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). – Таълимнинг янги уфқлари.

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

[www.biim.uz](http://www.biim.uz)



## II. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

---

### 1-МАВЗУ:

### ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ, КОНЦЕПЦИЯСИ (2 СОАТ)

#### РЕЖА

1. Сифат тушунчаси. Сифат менежменти концепцияси
2. Сифат менежменти тамойиллари
3. Таълим сифати менежменти ва таълим сифатини бошқаришга бўлган ёндашувлар
4. Таълим сифатини баҳолаш ёндашувлари

**Таянч иборалар:** сифат, сифат менежменти, сифат концепцияси, сифат менежменти, тамойиллари, сифатга бўлган ёндашувлар, сифатни баҳолашга ёндашувлар.

#### 1. Сифат тушунчаси. Сифат менежменти концепцияси

*“Ҳамма нарсани биринчи мартадаёқ яхши қилиш керак”*

#### **Япон афоризми**

Бугунги кунда сифат дунёдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, унга бўлган қизиқиш тўхтовсиз ошиб бормоқда. Бу шу билан боғлиқки, маҳсулот ва хизматлар сифати бозордаги устуворликларни, давлатнинг хавфсизлигини аниқлайди. Тараққиётнинг барқарорлигини таъминлайди, атроф-муҳитни, инсон саломатлиги ва инсон турмуш даражасини таъминлашга хизмат қилади.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида сифатни ошириш давлат, фирмалар ва компаниялар раҳбарларининг катта хатти-ҳаракатлари натижасида маҳсулотлар, хизматлар, иш ва жараёнларнинг юқори сифатини таъминлашга йўналтирилган миллий ғояга сифатида шаклланди.

TQM концепциясида олдинги сифатни бошқариш концепциялари учун хос

бўлган барча илғор ғоялар жамланган. У ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасидаги кўпгина замонавий сифат менежментининг асосларини ташкил этади.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, кўпгина ёндашувлар интеграцияси натижасида Умумсифат менежменти (Total Quality Management-TQM) концепцияси шаклланди. Умумсифат менежменти – бу ташкилот фалсафаси, сифат эса – бу ташкилотнинг мазмун-моҳияти.

Аввало, умумсифат менежменти(Total Quality Management) турли бир-бирига ўхшаш умумлашмалар, лекин шу билан бир вақтда ва маълум бир фарқларга эга бўлган концепциялар сифатида пайдо бўлди. Бу концепциялар кўпинча “туру”, “сифат устози ва мураббийи” ва ҳаттоки “сифат башоратчилари” деб аталадиган буюк инсонлар томонидан таклиф этилган.

Умумсифат менежментининг яратилиш тарихи тўртта гуруҳ ўрганишларни ташкил этади:<sup>1</sup>

Илмий менежмент (1900-1930 йиллар.Тейлор, Вебер, Файоль) ;

Инсон муносабатлари тўғрисида мактаб, бихевиористик (ташкилий хулқ-атвор) фанлари (1930-1960 йиллар);

Тизимли ёндашувлар(1960-1970 йиллар. Берталанди ва бошқалар);

Умумсифат бошқаруви (1980-1990 йиллар. Деминг, Кросби, Джуран, Исикава ва бошқалар).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дастлаб сифатни бошқариш усулларини қўллаш саноатда кенг тарқалди. Лекин ҳозирги вақтда ISO 9000 халқаро стандартлар сериясига мувофиқ сифатни бошқариш фалсафаси ва уни таъминлаш меъёрлари хизматлар кўрсатиш соҳасида – соғлиқни сақлаш, туризм, таълим ва ҳоказоларда қўлланилмоқда, шунингдек, энг машҳур стандартлар сифатида Гиннес рекордлари китобига кирган.

Сифатни таъминлаш, яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича америкалик олимлар Шухарт ва Демингларнинг хизматлари катта бўлиб улар улар машҳур узлуксиз жараёнларни яхшилаш модели “Шухарт-Деминг Цикли (Цикл

---

<sup>1</sup> Басовский Л. Е., Протасьев В. Б. Управление качеством: Учебник. – М.: ИНФРА – М, 2008. –212 с. – ( Серия” Высшее образование”)

PDCA)ни яратишган.

У.Шухарт биринчи бўлиб PDCA концепциясини (1939 й. “Сифатни бошқаришнинг статистик усуллари” асарида яратган бўлса, Э.Деминг Шухарт циклини фаол тарғибот қилди ва кейинчалик PDCAни - цикл PDSA (“**study**” - ўрганиш) модификация қилди.

1950 йилларда Э. Деминг Японияда уни қўллашни таклиф қилиб Кайдзен тизимини яратишга олиб келди.

**Кайдзен**, кайдзэн (яп. 改善 ; *кайдзэн; Kaizen*; бу – ишлаб чиқариш жараёнларини, ишланмаларни, ёрдамчи бизнес-жараёнларни ва бошқарувни, шунингдек, ҳаётнинг барча жабҳаларини тўхтовсиз такомиллаштириб боришга йўналтирилган япон фалсафаси ёки амалиётидир. Қўллаб-қуватлаш ва яхшилаш – бу Kaizen контекстидаги менежментнинг иккита функцияси.

Қўллаб-қуватлаш технологиялар, менежмент ва ушбу стандартларни қўллаб-қуватлаш соҳасидаги жорий стандартларга йўналтирилган фаолиятга тааллуқли. Ушбу концепция тамойиллари натижаларни яхшилаш учун жараёнларни такомиллаштиришга йўналтирилган тафаккурларни тарбиялашга ёрдам беради. Kaizen концепциясини амалга ошириш йўли билан эришиладиган яхшилаш секин ва кам сезиларли ҳолатда кечса ҳам бир қанча вақтдан кейин бир мунча аҳамиятли натижаларга олиб келади.

**Кайдзен бизнесда** – ишлаб чиқаришдан бошлаб юқори раҳбариятгача давом этадиган, яъни директордан то оддий ишчигача стандартлашган хатти-ҳаракатлар ва жараёнларни яхшилаган тарзда доимий такомиллашиб боришдир.

**Кайдзеннинг мақсади** — йўқотишсиз ишлаб чиқариш.

**Деминг ёндашувининг моҳияти** қуйидагича, паст самарадорлик ва ёмон сифатнинг сабаби аксарият ҳолларда, ходимларда эмас, балки тизимда. Шундай экан, ишлаб чиқариш натижаларини яхшилаш учун раҳбарларнинг тизимнинг ўзига ўзгартиришлар киритишлари керак. Деминг ўзининг асосий эътиборини қуйидагиларга қаратган:

- стандартлардан чекинишлар ҳақида статистик ахборотларни йиғишнинг

зарурлигига;

- жараёнлар ва компания маҳсулотларидаги четга чиқишларнинг камайишига;

- четга чиқишларнинг сабабларини излаш, таҳлил этиш ва бартараф этишга.

Бугунги кундаям Эдвард Демингнинг 14 тамойиллари бутун дунё бўйича сифатни бошқаришнинг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланди.

PDCA – режалаштириш (Plan), амалга ошириш (Do), текшириш (Check), таъсир қилиш (Act), уни турли соҳаларда тизимли асосда қўллашда ушбу соҳа бўйича тизимли фаолиятни самарадорлигини оширишга имкон беради.

Юқорида таъкидланганидек, Э.Деминг ушбу циклдан жараёнларни тўхтовсиз яхшилашнинг асосий усули сифатида фойдаланишни тавсия қилган. У шунингдек, PDCA циклини PDSA (ўрганиш)га модификациялаган.

Бу даврда америкалик олим А.Фейгенбаум томонидан умум сифат назорати(TQC) концепцияси яратилган. TQC концепциясини Японияда қўллаш оммавийлашиб кетган. Бу даврга келиб, ҳужжатлаштирилган сифат тизими пайдо бўлган ва унда нафақат сифат хизмати мутахассисларининг, балки сифат соҳаси учун бутун раҳбариятнинг масъуллиги ҳамда ваколоти ўрнатилган.

Умум сифат назоратини Фейгенбаум истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва дистрибьютерлар фойдасига боғлиқ бўлган ҳолда маҳсулот сифати ва унинг нархидаги муаммони ҳал этишга қодир бўлган тизим сифатида тушунди. Фейгенбаум сифатни буюмни ишлаб чиқаришнинг якуний натижаси сифатида эмас, балки уни яратишнинг ҳар бир босқичида кўриб чиқишни таклиф этди. Мазкур концепцияга мувофиқ сифатни умумназорат концепцияси қуйидаги тарзда намоён бўлади:



### **1-расм. (ТҚС) Сифатни умумназорат концепцияси**

ТҚС концепциясининг қўллаш ва ривожлантириш АҚШ ва Европада ҳам амалга оширила бошлаган. Шундан сўнг, Британия стандарти BS 7750 пайдо бўлиб, у асосида сифат тизимини сертификатлаш масаласи қўйилган. Бу маҳсулотни сертификациялаш, унинг сифатини ошишига ҳамда маҳсулотга бўлган ишончни оширган.

Ҳозирги кунда таълим - бу бозордаги энг қимматбаҳо товар. Лекин шу нарса ҳақиқатки, ҳозирча ушбу “маҳсулотни” қандай баҳолаш аниқ эмас.

Олий таълим муассасаларининг муваффақиятлари уларнинг талабалари ва профессор-ўқитувчилари фаолиятлари натижалари сифатида намоён бўлади.

Аксарият ҳолларда биз нимани ўлчайдиган бўлсак, ўшани қадрлаймиз, лекин нимани қадрлайдиган бўлсак, уни ўлчамаймиз.

Таълим сифатини бошқаришга бўлган ёндашувларни муҳокама қилишни бошлашдан олдин қуйидагиларни аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ҳозирги вазиятда нима бошқариш объекти ҳисобланади;
- сифатни такомиллаштириш бўйича хатти-ҳаракатлар нимага йўналтирилган бўлиши лозим.

Ушбу масала бўйича турли тадқиқотчиларнинг фикрлари бир-биридан

тубдан фарқ этишади.

Баъзи бир тадқиқотларда таълим сифати таркибини учтага ажратишади:

- таълим мазмун-моҳияти(билимлар сифати, муаммоларни ечиш йўллари сифати) сифати;

- таълим ва тарбия усуллари сифати(англаш фаолияти сифати, англаш фаолияти мотивацияси сифати, амалга оширилаётган таълим фаолияти назорати сифати, ўқув фаолияти натижаларини назорат қилиш сифати);

- шахсларнинг билимлилик сифати (билимларни ўзлаштириш сифати, малака ва кўникмалар сифати, маънавий нормаларни ўзлаштириш сифати).

Олий таълим сифатини таъминлашга таълим жараёнининг ҳар бир субъекти(профессор-ўқитувчи, талаба, ота-оналар, маъмурият, иш берувчилар ва ҳ.к.лар) манфаатдордир.

Таълим жараёнида “сифат” тушунчасини қўллаш мазмунан бошқача маъно касб этади. “Юқори сифат” мутлақ тушунчаси таълимда сифатни бошқариш тизими билан ҳеч қанақа умумийликка эга эмас. Сифатни бошқариш борасидаги мунозараларда тез-тез унинг юқори мақомлилигининг мутлақ аҳамияти тўғрисида саволлар пайдо бўлиб туради.

Ушбу мутлақлаштирилган тушунчаларни қўллаш таълим муассасасининг имиджини яхшилашга ҳамда ижтимоий алоқалари учун фойдали бўлиши мумкин.

Сифатни нисбий тушунча сифатида ҳам қўллаш мумкин. Ушбу ҳолатда сифат маҳсулот ёки хизматнинг белгиси(ўзига хос хусусияти, атрибути) ҳисобланмайди. Сифат тўғрисида маҳсулот ёки хизматнинг мавжуд стандартлар ёки унга қўйилган талабларга жавоб берганида гапириш мумкин.


## 2. Сифат менежменти тамойиллари

**Quality management systems.** Бу сўз инглизча сўз бирикмаси бўлиб “Сифат менежменти тизими” (СМТ) маъносини англатади. Яна ҳам аниқроғи “Сифатли бошқарув тизими” (СБТ) деб таржима қилинса, бу сўзнинг мазмун

моҳиятини ISO 9000 концепциясига ҳамоҳанг тарзда ўгирилганини билдиради. Яъни “Сифатли бошқарув тизими” – ISO халқаро стандартининг концепциясига мос тушади.

**Замонавий сифат менежменти** - бу раҳбарлик ва қўллаб-қувватлашнинг самарали таркиби бўлиб, қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. ОТМда сифат менежменти ғоялари ва усулларида фойдаланиш барча бўғинларда: *ОТМ даражасида, унинг бўлимларида, факультет ва кафедраларида, талабалар билими, малакаси ва кўникмалари шаклланадиган ва истеъмолчилар учун “қадриятлар, қийматлар” яратиладиган аудиторияларида амалга оширилиши зарур.*

Сифат менежменти аниқ таъйинил ва концепцияларга, уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг амалий моделларига таянади. Энг кўп тарқалган сифати менежменти модели 9000 сериясидаги ИСО халқаро стандартлар модели ҳисобланади. Унинг таркибида таълим муасасаларининг сифат тизими Намунавий модели ишлаб чиқилган.



**2-расм. ISO 9001 Халқаро стандарти асосида сифат менежменти таъйиниллари**

ISO 9001 Халқаро стандартида сифат менежменти тизимига бўлган талаблар баён этилган бўлиб, улар умумий тавсифга эга бўлган тарзда турли фаолият соҳасидаги ташкилотлар учун мақбул ҳисобланади.

ISO 9001 Халқаро стандарти асосида сифат менежментининг саккизта асосий тамойиллари ётади(2-расм).

Бугунги кунда сифат менежменти тизимини яратишни мақсад қилган ҳар қандай ОТМ бир қатор муаммолар билан тўқнашиб, улардан энг кўп учрайдиганлари қуйидагича:

- ОТМ ходимлари учун таълим муассасида сифат менежменти тизимининг зарурлигини англаш мураккаб;

- аниқ хатти-ҳаракатларда раҳбариятнинг ҳал этиши қийин;

- профессор-ўқитувчилар таркибининг бошқарувнинг янги тамойилларини қабул қилишнинг мураккаблилиги;

- таълим муассасаларида сифат менежментини жорий тамойилларини жорий этиш бўйича зарурий услубий қўлланмаларнинг мавжудмаслиги.

Сифат менежментининг замонавий моделлари асосида тўлиқ сифат (***Total Quality***), TQM тамойиллари ва жараёнли ёндашув ғояси ётади. Айнан шу ёндашувлар ўқитувчи фаолиятда ўзининг аксини топиши лозим.

### **3. Таълим сифати менежменти ва таълим сифатини бошқаришга бўлган ёндашувлар**

Таълим сифати, аввало, таълим олувчига турли методикалар ёрдамида билимни етказувчи(профессор-ўқитувчилар таркиби)нинг сифати билан аниқланади.

Сифат мақсадларга мос келиш даражаси сифатида ҳозирги кундаги энг кўп ишлатиладиган категориялардан бири ҳисобланади. Бунинг асосида ҳозирда халқаро амалиётда қуйидаги **бешта асосий ёндашув** ажратиб кўрсатилади:

- 1. Анъанавий ёндашув қуйидагича таркиб топган:** таълим сифатини таъминлаш – демак, уни нуфузли қилиш, сабаби бундай ОТМни тугатган битирувчи меҳнат бозорида бир мунча юқори позицияни эгаллайди.



2. **Илмий** стандартларга мос келишдан келиб чиқади.

3. **Менежерлик ёндашуви** ўзида, сифатли таълим деб миждоз қоникқандаги ҳолатни намоён этади.

4. **Истеъмолчи**, бу ерда истеъмолчи сифатни аниқлайди ва натижада унинг ҳар қандай истаги бажарилади. Асосийси ОТМ бунинг учун пул олади.

5. **Демократик ёндашувда** ОТМ ўзи жойлашган ҳудудга, жамиятга фойда келтиради.

Ҳозирги вақтда кўпчилик ОТМда мутахассисларни тайёрлаш сифати кўпинча моддий-техник база(яъни, ўқув-лаборатория майдони квадрат метри микдори, зарур асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, замонавий информацион технологияларнинг кенг спектридан фойдаланиш) ҳолати бўйича аниқланади.

***Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш асосан қуйидагилар орқали таъминланади:***

- директив ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижроси;
- ўқув ва ўқув-услугий ишлар узлуксизлиги ва янги педагогик технологияларнинг қўлланилиши;
- таълим муассасаси моддий-техник-ўқув базасининг замонавийлиги;
- илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлиги;
- маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги каби таркибий қисмлари фаолияти мувофиқлаштирилганлигига бевосита боғлиқдир.

Ушбу ишларни бир бутунликда бошқариш тизимни тартибга солади, унинг яхлитлигини таъминлайди, унинг сифатий томонларини тавсифлайди. Демак, бўлғуси мутахассисларни сифатли тайёрлашга тизимли ёндашув асосида тайёрлашнинг барча элементларининг яхлитлигини таъминлаш зарур бўлади. Агарда бўлғуси мутахассис ҳам мутахассис, ҳам ўқув-тарбия жараёни иштирокчиси сифатида унга тайёрлашнинг базавий элементлари юқори сифатли ва тақдим этиладиган талаблари қондирилмайдиган бўлса сифатли тайёрланган бўла олмайди.

Шунга қарамасдан, бошқаришга тизимли ёндашув ўзининг бир нечта камчиликларига ҳам эга, айнан субъектларнинг фаолликларини ҳисобга

олишга, уларнинг ривожланиши ва шахсий ўсишига зарурий ўзгартиришлар киритишларига имкон бермайди.

**1-жадвал**

**Бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш сифатини бошқаришга бўлган замонавий ёндашувларнинг таққослама тавсифи\***

<b>Ёндашув</b>	<b>Тавсифи</b>
<b>Педагогик ёндашув</b>	Инновациялар, шакллар, технологиялар ва талабаларни ўқитиш натижалари билан боғлиқ бўлган бўлғуси мутахассиснинг касбий шаклланиш даражасини ошириш учун шарт-шароитларни таъминлаш
<b>Торбошқарув ёндашуви</b>	Таълим муассасалари раҳбарларида бошқарув фани билимлари муаммоларини ечиш йўли орқали бошқарувчи тизимларни шакллантириш
<b>Тизимли ёндашув</b>	Бўлғуси мутахассислар тайёрлашнинг барча элементларининг яхлитлигини яратиш
<b>Халқаро ёндашув</b>	ISO 9000 стандартлари талаблари асосида доимий фаолиятда бўлувчи сифатни бошқариш тизимлари ёрдамида мутахассисларни тайёрлаш сифатини бошқариш

\*Манба: Скрипникова Л.В.Современные подходы к управлению качеством подготовки специалистов в высших учебных заведениях/ Известия ВГПУ, №1(262), 2014.

Умуман, бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш сифатини бошқаришга бўлган замонавий ёндашувларнинг бир-биридан фарқли ва ўзига хос жиҳатлари 1-жадвалда келтирилган.

#### 4. Таълим сифатини баҳолаш ёндашувлари

Таълим сифатига бўлган замонавий ёдашув ўз ичига стандартлаштиришнинг мажбурий жараёнлари(таълим муассасасини аккредитациялаш, текшириш фаолияти натижаларини баҳолаш, ички назорат ва бошқалар)ни, шунингдек, жараёнларнинг инсонпарварлик кўрсаткичларини ва таълим самараларини ўлчаш ва ҳисобга олишни олади.

Ушбу нуқтаи назардан сифат қуйидаги тавсифлар бўйича аниқланади: аниқ таълим тизими(таълим муассасаси) даражасида таълим мақсадлари ва натижаларининг мувофиқлик даражаси; аниқ инсон(билим сифати, малака ва кўникмаларининг шаклланганлик даражаси ва ҳоказолар)нинг таълим натижаларини баҳолашда турли кўрсаткичлар орасидаги мувофиқликларни; назарий билимлар ва улардан касбий фаолиятда ва амалиёт(ҳаёт)да қўллаш малакаларининг мослиги даражаси.

Хорижий илмий адабиётларда, шунингдек, таълим сифатини баҳолашда турлича ёндашувларни таҳлил қилишга кўпроқ эътибор қаратилади. Хорижда таълим сифатини баҳолаш индикаторларининг учта гуруҳини ажратиш мумкин: таълим тизими ички сифати индикаторлари; субъектив тавсифда(истеъмомчилар фикрини ҳисобга олиш, ижтимоий-педагогик мониторинг маълумотлари)ги таълим сифати индикаторлари; аҳоли ва таълим олувчиларнинг турли ижтимоий қатламлари учун таълим олишга бўлган тенглик индикаторлари.

10 йил олдинги тадқиқотларда олий таълим сифатини ошириш XXI асрда асосий масала бўлади, деган фикрлар пайдо бўла бошланди. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш сифатини оширишда халқаро ҳамкорликнинг муҳимлиги таъкидланарди. Жаҳон банки маърузасида олий таълим сифатини оширишда қуйидаги мумкин бўлган ҳолатлар кўрсатилган: *талабалар ва профессор-ўқитувчилар сафарбарлиги; таълим жараёнининг трансмиллий тавсифи; олий таълим муассасаларининг янги турларини яратиш, ўқув дастурларининг академик франчайзингини йўлга*

*қўйиш ва дистанцион таълимни шакллантириш.*

Етарлича машхур бўлган дунёнинг 100 та ТОП ОТМлари репутацияси рейтингини аниқлайдиган Британия Times-Times Higher Education газетасининг Thomson Reuters ахборот гуруҳи билан ҳамкорликдаги ва Ipsos Media жамоат фикрини ўрганиш хизмати билан олиб борган тадқиқотлар натижалари ҳисобланади. Times Higher Education томонидан аниқланадиган бутун дунё бўйича энг зўр университетлар рейтингини 13 та алоҳида кўрсаткичлардан ташкил топиб, ушбу кўрсаткичлар 5 та категорияга бўлинади:

- таълим бериш-таълим олиш учун шарт-шароитлар ва режимлар(30 фоиз ҳажмида),
- тадқиқотлар ва нашрлар-қўшган улушлар ва репутациялар сони (30 фоиз ҳажмида),
- цитаталаш-ҳавола(ссылка)ланганлик даражаси (30 фоиз),
- саноат натижалари(индустрияга қўшган ҳисса) - инновациялар(2,5 фоиз),
- халқаро муносабатлар-ходимлар ва талабалар сони (7,5 фоиз).

Кўрсатилган мезонлар кўпроқ ОТМ натижаларига йўналтирилган: инновация, тадқиқ этиш, цитаталаш.

Ушбу рейтингда таълим олиш жараёнига тўғридан-тўғри муносабатда бўладиган-атроф-муҳитни ўрганиш мезони пайдо бўлган. Бундан халқаро рейтинглар учун таълим бериш жараёнига мурожаат қилиш камдан кам ҳодиса эканлигини англаш мумкин.

Бугунги кунда яна ОТМларнинг рейтингини аниқлаш борасида 500 та ТОП Шанхай рейтингни аниқлаш тизими ҳам мавжуд.

Дунёнинг 500 та етакчи университетлари рейтингини аниқланади ва улар фаолияти қуйидаги бешта йўналишлар бўйича баҳоланади:

- таълим сифати(10 %);
- ўқитиш сифати(40 %);
- илмий фаолият натижалари(40 %);
- ўртача жон бошига натижавийлик(10 %).

Бунда қуйидаги индикаторлардан фойдаланилади:

- Нобел мукофоти ва Филдс мукофоти (таълим сифати) билан тақдирланган университет битирувчилари сони;

- Нобел мукофоти ва Филдс мукофоти (ўқитувчилар сифати) билан тақдирланган университет ходимлари сони;

21 та предмет соҳалари бўйича юқори индексда цитаталанган жаҳон даражасидаги олимлар сони(ўқитувчилар сифати);

Nature and Science да нашр этирилган ишлар сони(илмий фаолият натижалари);

- ўртача жон бошига натижавийлик.

Ҳар йилги тадқиқотлар натижалари бўйича дунёнинг энг зўр 400 та университетлари рўйхати тузилади. Рейтинга фақат тадқиқотнинг махсус соҳалари бўйича шуғулланишадиган ва йилига 200 тадан кам илмий нашрлар қилган университетлар ҳисобга олинмайди.

Лойиҳа муаллифларининг кўрсатишича, Times Higher Education тадқиқотчилар жамоаси ҳисоблашни максимал даражада объектив амалга оширишиб, барча маълумотлар ва рейтинг методологияси борасида ташқи аудит учун ҳеч қанақа чеклов йўқ.

### **Вазиятли топширик**

ЮНЕСКО экспертлари фикрича, ҳозирги вақтда чет эллик фуқароларни ўқитиш XXI асрдаги энг фойдали экспорт турларидан бири бўлиши мумкин. Бугунги кунда экспертлар томонидан жаҳондаги таълим экспорти 1,5 трлн. долларга баҳоланмоқда. Таълим хизматлари экспорти баъзи мамлакатларга сезиларли даромад олиб келмоқда. Масалан, АҚШ йилига хорижий талабалардан 2000 йилнинг бошларида 14 млрд. доллар олган бўлса, ҳозирги вақтда 760 минг чет элликларни жалб этиб, давлат бюджетига 24 млрд. доллар атрофида маблағ қиритмоқда. Ундан кейинги ўринларда мазкур бозор етакчилари – Буюк Британия, Германия, Франция, Австралия, Испания, Канада туришади. Россия бу борада – 150 млн. доллар атрофида олади.

Ҳозирги вақтда халқаро таълим бозори – бу экспортнинг энг динамик ривожланаётган сектори. ЮНЕСКОнинг прогнози бўйича 2025 йилга келиб

хорижда таълим олувчи талабалар сони 7 миллион кишига етади. Қатор давлатларда экспортдан келадиган даромад миқдори катта бўлиб давлат бюджетининг асосини ташкил этмоқда. АҚШда чет элдан келадиган талабалар томонидан тўланадиган пул маблағлари ҳукуматнинг олий таълимга ажратадиган маблағларига нисбатан 10 марта юқори. Шунингдек, текин таълим ривожланган мамлакатлар (Германия, Франция, Чехия)да ҳам хорижликларнинг яшаш учун тўловлари шаклида ҳам сезиларли даромад олишади.

Осиё минтақасидаги тезда иқтисодий ривожланиш халқаро таълимда талаб(эҳтиёж)нинг пайдо бўлишига асосий рағбатлантирувчи омил бўлди. Осиё мамлакатларида аҳоли жон бошига даромаднинг ўсиши халқаро таълим соҳалари орқали аксарият ҳолларда олдинги авлодлар учун имкони бўлмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши бу борада ривожланишга туртки бўлди. Мазкур мамлакатларда хорижий таълимга бўлган қизиқиш аҳолисининг ўсиши ва миллий даромадининг ошиши билан тобора ортиб бормоқда.

Масалан, 2007 йилда Австралия ўқув муассасаларида 455 минг чет эллик талабалар 190 мамлакатлардан келишиб, шу жумладан, 5 мингтаси Австралия давлати бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилган. Бугунги кунда 100 минг хорижликлар Австралия ўқув муассасаларида хорижда туриб ёки корреспондентлик алоқалари орқали таълим олади. Сўнгги йилларда хорижий талабаларнинг ўқишга кириш бўйича асосий давлатлар Осиё давлатлари (75 фоиздан кўпроғи) бўлиб, лекин охириги пайтларда Яқин Шарқ, Жанубий Америка ва Африкадан келадиганлар сони тезда ортиб бормоқда.

Хорижий таълим олувчиларга кенг қўламли таълим хизматларини кўрсатиш Австралияда биринчи навбатда Осиё давлатлари фуқароларига катта аҳамият берилади. Хорижликларга тақдим этилган таълим хизматлари валютанинг кириб келишида муҳим манбага айланиб, 2007 йилнинг ўзида 17,1 фоизга ортиб, 12,6 млрд. долларни ташкил этди ва мамлакат экспорти таркибида аҳамияти бўйича 3-ўринга етиб, 5 йил(2003-2007 йй.) ичида унинг даромадининг йиллик ўсиши 13,4 фоизга етди.

**Маълумотларга кўра хорижий талабалар бўйича 10 та етакчи давлатлар рўйхати (2015-2016 йилда) қуйидагича:**

1. АҚШда - 784 минг талаба
2. Буюк Британияда - 417 минг талаба
3. Хитойда - 357 минг талаба
4. Австралияда - 250 минг талаба
5. Францияда - 339 минг талаба
6. Германияда - 197 минг талаба
7. Японияда - 151 минг талаба
8. Россияда - 139 минг талаба
9. Канада - 135 минг талаба
10. Италияда - 78 минг талаба

**Муҳокама учун саволлар:**

1. Хорижда таълим хизматларини кўрсатувчи ҳудудлар учун бундай турдаги фаолиятнинг ижобий аҳамияти нимада ва уларни изоҳлаб беринг.
2. Жаҳоннинг йирик таълим марказларини санаб ўтинг.
3. Бугунги кунда таълим хизматлари экспорти доирасида қандай таълим дастурларига талаб(эҳтиёж) юқори?
4. Болонья жараёни талабалар ва ўқитувчиларнинг академик сафарбарлигига қандай йўл билан таъсир этади?
5. Ўзбекистоннинг халқаро таълим хизматлари савдоси жараёнидаги истиқболларини тавсифлаб беринг.
6. Халқаро меҳнат тақсимоти жараёнида Ўзбекистоннинг ўзига хос таълим хизматлари экспортини амалга ошириш мумкинми?
7. Ўзбекистоннинг қайси таълим муассасалари хорижий талабаларнинг таълим олишлари учун фаол иштирок этмоқда(имкониятлари мавжуд)?

## **2-Мавзу:**

### **Таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндашувлари**

#### ***Режа:***

1. Олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро методлари
2. Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар ва ёндашувлар
3. Европада олий таълимни ислоҳ этишга олиб келган омиллар
4. Буюк Британия(ҚАА) олий таълим сифатини назорат қилиш агентлиги

### **1. Олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро методлари**

Анъанавий равишда сифат университет таълим даражасининг ва илмий тадқиқотлар ва касбий билимлар ажралмас қисмининг муҳим элементларидан ҳисобланади. Таълим дастурлари сифатини баҳолаш моделларининг тарихий шаклланиш илдизлари XIII асрнинг бошларига тўғри келади. Бунда қоидага кўра, ўша даврда сифатни баҳолашнинг икки моделини ажратиб кўрсатиш мумкин: ҳисоботлилиқ нуқтаи назаридан асосида ташқи аудиторнинг назорати ётадиган сифатни баҳолашнинг архетипи ҳисобланадиган француз модели; эксперт баҳолаш асосидаги сифат назорати ва степендиант жамиятнинг ўзини-ўзи бошқарадиган инглиз модели.

Неолиберализм даврида давлат сектори олий таълим сифатини назорат қилиш соҳасида қатор инновацион тартиб-қоидаларини амалга ошириши натижасида университетлар “ўзини-ўзи тартибга солиш концепцияси”га ўтишди. Ҳукумат уларга таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кенгроқ мустақиллик беришди. Янги концепция асосан Европа мамлакатларида амалга оширилди ва “давлат-университет” ўзаро алоқалари занжирида анъанавий кучли марказлашган давлат бошқарувидан бир мунча эркин бозор моделига ўзгарди.

Шундай қилиб, таълим жараёнини марказий ташкил этиш тадбиркорлик тизими билан, унинг бошқаруви қуйидаги тавсифлар билан ўзгартирилди: институционал қарорларни қабул қилишда марказий даражада ташқи округлар иштирокини кенгайтириш; институционал стратегияларни ишлаб чиқиш ва



амалга оширишга катта аҳамият бериш; корпоратив бошқарув усулларига катта қизиқиш.

Тарихий экскурсиянинг кўрсатишича, таълим тизимида сифатнинг “ҳақиқий даври” таълим муассасаларини аккредитациялаш бўйича биринчи ташкилотнинг тузилиши билан, Европада эса, расмий миллий сифат сиёсатнинг пайдо бўлиши билан айнан 1985 йилга тўғри келади.

Бугунги кунда бутун дунёда таълим сифатини ошириш муаммоси институционал ва сиёсий аспектлардаги асосий саволлардан бири бўлиб, қолмоқда. Шу сабабли мазкур категорияни аниқлаш борасида турлича ёндашувларни тадқиқ этиш зарурияти мавжуд.

Олий таълим тизимида сифатни аниқлаш муаммоларига бўлган қизиқишнинг ортиб бориши нафат бизнинг республикамиз, ёки алоҳида бошқа давлатлар учун балки, бутун дунё учун хос бўлиб, мазкур муаммо бугунги кунда ҳақиқий глобал тавсифга эга бўлиб бормоқда. Бундай қизиқишга нима сабаб? Фикримизча, ушбу ҳолатни голландиялик таниқли тадқиқотчи Д.Ф.Вестерхайден яхши изоҳлаб берган. У бу борада қуйидаги фикрларни келтириб ўтган:

*- бош сабаб, бошқа ижтимоий соҳалар билан таққослаганда олий таълимга тақдим этиладиган устуворликлар тўғрисидаги масаланинг кўтарилиши билан боғлиқ бўлган ҳамда умуман, давлат бюджетини кўпайтиришнинг умумий ижтимоий концепциясида ётибди;*

*- таълим жараёни сифатига бўлган эътиборнинг ортиши, бу ўз навбатида Ғарбий Европа таълим тизимларининг кенгайиши билан изоҳланади. Талабалар сонининг тезда ўсиши янги таълим соҳаларининг(асосан ижтимоий соҳада), факультетлар ва институтларнинг пайдо бўлиши ва ортиши кузатишмоқда. Бу, ўз навбатида, олий таълим соҳасида миллий бюджетни кўпайтириш тўғрисидаги муҳокамаларни келтириб чиқармоқда;*

*- замонавий жамиятнинг кўпгина соҳаларидаги “очиқлик”: маълум бир муассаса, унинг ишлаш тизими, дастурлари тўғрисида, ушбу институт ёки университет битирувчиси оладиган билим даражалари ва малакалари*

*тўғрисидаги зарурий маълумотларни мазкур муассасалардан ташқарида ҳам олиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.*

*- Европада талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчилар халқаро сафарбарлиги(мобиллиги)нинг, шунингдек, Европа меҳнат бозори байналминаллашувининг кўчайиши.<sup>2</sup>*

## **2.Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар ва ёндашувлар**

Бугунги кунда хорижда олий таълим тизимида сифатни баҳолаш сиёсатида иккита ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин: континентал(Европа мамлакатлари) ва Британия. Континентал ёндашув учун бир мунча аҳамиятлиси битирувчиларнинг мамлакат миллий иқтисодиётида иштирок этишга қанчалик тайёргарлигини аниқлаш ҳисобланади. Буни олий таълим муассасаларининг давлат томонидан молиялаштирилиши орқали изоҳлаш мумкин. Британия ёндашуви учун сифат кўпроқ мустақиллик ва автономликда аниқланади, яъни университетлар ўз ривожланишлари ва назорат шаклларини танлашда эркин ҳисобланишади. Бу Буюк Британияда олий таълим тизими давлат томонидан молиялаштиришга камроқ боғлиқ эканлиги билан изоҳланади.

Халқаро даражада сифатни таъминлаш тизимини шакллантиришга бўлган асосий ёндашувлар ИХТТ(ОЭСР)нинг олий таълимда сифатни таъминлаш бўйича маърузасида келтирилган. Ушбу маърузада бир томондан сифатни таъминлаш бўйича мавжуд миллий механизмлар типологияси, бошқа томондан эса, сифатни таъминлашнинг турлича тизимларининг устуворликлари ва камчиликлари кўрсатиб ўтилган.

Олий таълим ривожланишининг жаҳон тажрибасини тадқиқ этиш кейинги вақтларда таълим сифати борасидаги масъулиятларни университетларнинг ўзига юклаш, бу борада улар ваколатларининг кенгайиб бориш тенденциясини кўрсатмоқда. Масалан, Хитой, Шарқий Европа, Жанубий Америка ва

---

<sup>2</sup> Westerheijden D.F. Systems of quality assessment in European higher education: paper presented to the 4 th EAIE Conference, Berlin, 5-7 November, 1998.

Скандивания давлатлари олий таълим тизимларида сифат бўйича жавобгарлик ваколатлари борасида ушбу мамлакатларнинг олий мактабларининг ўзини-ўзи бошқариш томонига ўзгаришлар кузатилаётганлигини кўрсатмоқда. Аммо ушбу тенденциянинг ижобий томони таълим жараёнини сифатли ташкил этиш учун университет масъуллиги аҳамиятининг ўсиб боришини келтириб чиқармоқда.

Ҳисоботлилик аспектининг муҳимлилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) олий таълимнинг оммавийлиги ва сарф-харажатларнинг ўсиши давлат ва хусусий сарф-харажатларни тақсимлашнинг очиқ-ойдинлигини талаб этади;
- 2) талабалар сифатли академик дастурларни талаб қилишади;
- 3) жамият университетлар таълим дастурлари сифати тўғрисидаги ахборотларни кучайтиришни талаб этмоқда.

Сифатни таъминлашнинг кейинги муҳим механизми бўлиб олий таълим тизимини аккредитациялаш ҳисобланади. Олдинлари аккредитациялаш АҚШда устувор аҳамиятга эга бўлган ва етарлича Марказий ва Жанубий Америка, Шарқий Европада кенг тарқалган. 1980 йилларда аккредитация таълим жараёни сифатини назорат қилиш шакли сифатида Ҳиндистонда, кейинроқ эса, Европа Иттифоқи мамлакатларида кенг тарқалди. Аккредитациялаш олий таълим сифатини ошириш усули сифатида АҚШда пайдо бўлиб ва тарқалган экан, АҚШда олий таълимни аккредитациялаш соҳаси бўйича Кенгашда тўпланган тажрибаларни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Жаҳондаги мавжуд сифатни баҳолаш тизимини шартли равишда **икки моделга** ажратиш мумкин. Биринчи – жамият ва давлат олдидаги масъуллиги нуқтаи назаридан аттестация, аккредитация, инспекция орқали ОТМни ташқи баҳолашга асосланган “француз” модели. Бундай модел Скандивания мамлакатларида, Чехия, Латвия, Эстония ва бошқа мамлакатларда қўлланилади.

Олий таълим сифатини баҳолаш тизимининг иккинчи – олий таълим муассасалари академик ҳамжамиятини ички ўз-ўзини баҳолашга асосланган “инглиз” модели. У Буюк Британия, Германия ва АҚШда амал қилади.

Францияда таълим сиёсатига халқ таълими, илмий тадқиқотлар ва

технологиялар вазирлиги жавоб беради. Аммо ОТМ фаолиятини баҳолаш олий таълим тўғрисидаги қонунга кўра тузилган ва 1984 йилдан буён фаолият юритаётган Миллий эксперт қўмитаси томонидан баҳоланади. Ушбу қўмитанинг асосий вазифаси маълум бир ОТМларни ва бутун мамлакатда олий таълимдаги вазиятларни даврий равишда объектив баҳолашдан иборат. Олий таълимни баҳолаш ва назорат этадиган мазкур миллий орган фақат Президентга бўйсунди. Эксперт қўмитаси олий таълим муассасалари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплашди ва олий мактаб соҳасидаги ишлар ҳолати тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Президентга жўнатади.

Франциядаги университетларни текшириш ва баҳолаш натижаларининг кенг нашр эттирилиши нафақат давлатга, балки жамиятга ҳам у ёки бу олий таълим муассасининг академик даражаси тўғрисида мулоҳаза қилишга имкон беради. Мазкур механизм француз олий таълим тизимининг тарихий шаклланган марказлашганлигини акс эттиради.

АҚШда таълим сифати назорати ўзида “инглиз” ва “француз” моделларидаги ғояларнинг муваффақиятли ўзаро бирикишини намоён этади. АҚШда университетларни ўзини-ўзи баҳолаш тизими бир мунча ривожланган. Бу ҳолат таълимнинг давлат органлари томонидан тартибга солинадиган давлатлардагидан фарқли ўлароқ, Америка олий таълимида устуворлик таълим муассасаларининг ўзлари томонидан назорат қилинади.

Университетларни аккредитациялаш тартиблари университетлар ва коллежларнинг минтақавий ассоциациялари томонидан амалга оширилади.

Умуман, таълим сифатига ва уни тушунишга бўлган талаблар жамият, иқтисодиёт ва фаннинг ривожланишига қараб ўзгариб боради. Таълим натижаларининг замонавий жамият эҳтиёжларига ва меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги боис сифат тушунчасига компетентли ёндашув зарурияти пайдо бўлди. Хорижда таълим натижалари сифатини аниқлаш ва уни амалиётга жорий этиш борасида учта ёндашувни ажратиш кўрсатиш қабул этилган. Бу ёндашувлар бир-биридан мустақил равишда, аввало, АҚШда, кейинчалик Буюк Британияда охириги навбатда Франция ва Германияда пайдо

бўлган.

Таълим натижалари сифатини компетентли изоҳлашнинг америкача ёндашувини муҳокама қилишда “хулқ-атвор ёндашуви” ибораси ишлатилган ҳолда, бунда таълим натижаларининг таълим муассасасини тугатгандан кейинги амалиётга жорий этишга йўналтирилганлигига қодирлиги таъкидланади.

Французча ёндашув америкача ёндашувга таққослаганда, бир мунча кенг бўлиб, унда таълим натижаларининг билимли, функционал ва хулқ-атвор тавсифи кўрилади.

Немис таълим тизими аввалдан хатти-ҳаракатларнинг компетентлигига йўналтирилган ўзгача ёндашувни қабул этган. Ёндашувнинг ўзига хослиги асосий эътиборнинг касбий таълим тизимининг ўқув режаларига қаратилганлигидан иборат. Компетенциянинг стандарт типологияси таълим муассасалари битирувчиларининг бўлғуси касбий фаолияти соҳасига йўналтирилган. У ўз ичига предметли, шахсий ва ижтимоий компетенцияларни олади.

Шундай қилиб, бугунги кунда сифат жаҳондаги юқори ривожланган мамлакатлар ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, таълимда тараққиёт устуворлигини аниқловчи асосий омилга айланиб бормоқда.

Бизнинг республикамизда эса, олий таълим сифатини баҳолаш тизими таълим стандартлари ва самарадорлик кўрсаткичлари асосида аниқлашга йўналтирилган. Ушбу тизимининг асосий элементлари – лизенциялаш, аттестация ва аккредитациялаш процедураларини стандартлаштириш, шунингдек, рейтинг тизими асосида умуман ОТМни ва унинг алоҳида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини комплекс баҳолаш.

### **3. Европада олий таълимни ислоҳ этишга олиб келган омиллар**

- ОТМларни давлат томонидан молиялаштиришнинг қисқариши;
- академик таълимнинг меҳнат бозорида тезда ўзгараётган талабаларга

ноқодирлиги;

- олий таълимга бўлган эҳтиёжнинг шиддат билан ортиши;

- давлат ва хусусий(тижорат) ОТМлари сонининг ортиши, битирувчилар ва талаб этилаётган мутахассислар сонининг бир-бирига номувофиқлиги;

- жамиятнинг барча қатламлари учун олий таълимни олишга бўлган имкониятларнинг ортиши натижасида абитуриентларга бўлган талабларнинг пасайиши;

- талабалар, мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар таркиби сафарбарлигининг ортиши.

**Европада таълим сифатини таъминлаш тизими ўзида қуйидагиларни намоён этади:**

- барча манфаатдор ОТМлар ва ташкилотларнинг жавобгарлик ва мажбуриятларини аниқлаш даражаси;

- таълим муассаси ёки дастурларини баҳолаш, бунда ички баҳолаш, ташқи экспертизани, талабаларнинг баҳолаш ва уларнинг натижаларини нашр эттириш тартиб-қоидалари;

- аккредитация, сертификация ёки уларга мос механизмлар қиёсий тизимининг мавжудлиги;

- халқаро тармоқларда халқаро ҳамкорлик, шериклик.

**Европада таълимнинг юқори сифатини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қадамлар:**

- олий мактабда инсон ва моддий ресурслардан бир мунча самарали фойдаланиш борасидаги хатти-ҳаракатлар;

- илмий тадқиқотларни кенгайтириш ва уларни ўқув жараёнига максимал даражада жорий этиш имконияти;

- ОТМларга қабул этишни ва талабаларни аттестациялашни оптималлаштириш ва такомиллаштириш;

- профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ошириш;

- иш берувчилар билан ўзаро хатти-ҳаракатларни чуқурлаштириш.

- ОТМлар ва баҳоловчи ташкилотлар орасидаги ишонч ва ҳамкорликнинг

зарурлиги;

- таълим муассасаси, шунингдек, таълим дастурларининг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олиш;

- анъаналар ва новаторлик, академик йўналтирилганлик ва иқтисодий релевантлик орасидаги балансни, ўқув дастурларининг мантиқий асосланганлиги ва талабалар учун эркин танлашни таъминлаш;

- ўқитиш, илмий тадқиқот ишлари, бошқариш ва маъмурий бошқаришни текширишни амалга ошириш;

- талабалар эҳтиёжлари ва кўрсатиладиган нотаълим хизматларига нисбатан масъул тарзда муносабатда бўлиш.

**Европа маконида олий таълим сифати кафолати учун стандартлар ва тавсиялар қуйидагилардан иборат:**

**ОТМларда сифатнинг ички кафолати учун Европа стандартлари ва тавсиялари. Ахборот тизими**

#### **Стандарт**

Таълим муассасалари муҳим ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатишни амалга ошириши ва улардан таълим дастурларини самарали бошқариш ва бошқа фаолият турлари учун фойдаланиши лозим.

#### **Тавсиялар**

**Сифатга тааллуқли ахборотга эгалик тизими камида қуйидагиларни қамраб олиши керак:**

- талабалар билим даражаси ва ўзлаштириш даражасининг ўсиши;
- меҳнат бозорида битирувчиларга бўлган талаб;
- талабаларнинг таълим дастурларидан қониққанлиги;
- таълим беришнинг самарадорлиги;
- талабалар таркиби;
- таълим ресурсларига имкониятларнинг мавжудлиги ва қиймати;
- ОТМ фаолиятининг асосий кўрсаткичлари.

**Сифатни ташқи кафолатлаш агентлиги учун Европа стандартлари ва тавсиялари**

## **Фаолият**

### **Стандарт**

Агентлик сифатнинг ташқи кафолати бўйича доимий равишда фаолият юритиши лозим(институционал ва дастурли даражада).

### **Тавсиялар**

Фаолият баҳолашни, текширишни, аудит, аккредитация ва бошқа шунга ўхшаш процедураларни ўз ичига олиши ва агентликнинг асосий функцияларининг қисми бўлиши лозим.

Сифатнинг ташқи кафолати агентлиги учун Европа стандартлари ва тавсиялари

### **Мустақиллик**

### **Стандарт**

Агентликлар мустақил мақомга эга бўлиши керак. Улар ўзларининг хатти-ҳаракатлари учун автоном жавобгарликка эга бўлиб, ҳеч қанақа учинчи томон(ОТМлар, вазирлик ва бошқа манфаатдор томонлар) ҳисоботлардаги хулосалар ва тавсияларга таъсир кўрсата олишмайди.

### **Тавсиялар**

Агентлик ўзининг мустақиллигини қуйидаги чора-тадбирлар орқали намоён этиши лозим:

- ОТМларнинг ва ҳукумат органларининг функционал мустақиллиги мос расмий ҳужжатлар(низом ҳужжатлари ёки меъёрий актлар) билан кафолатланади;

- ташқи экспертларнинг тартиб-қоидаларини ва усулларни, номинация ва тасдиқлашларни, сифатни баҳолаш жараёнлари натижаларини аниқлаш ҳукумат органлари, ОТМлар ва сиёсий партиялардан мустақил тарзда автоном ва мустақил тарзда амалга оширилади.

- агентлик манфаатдор томонлар, хусусан, талабалар/таълим олувчилар билан маслаҳатлашади, сифат кафолати жараёнлари боришида, агентлик якуний натижалар учун жавобгар ҳисобланади.



#### 4. Буюк Британия(QAA) олий таълим сифатини назорат қилиш агентлиги

Буюк Британияда сифатни таъминлаш бўйича агентлиги(QAA The *Quality Assurance Agency for Higher Education*)га 1997 йилда асос солинган. Кафолат билан чегараланган нотижорат компания ҳисобланади. Тасдиқдан ўтган хайрия ташкилоти бўлиб, Буюк Британиянинг бутун ҳудудида ишлайди.

Аъзо сифатида таълим муассасалари ҳисобига молиялаштириш(йилига £12 атрофида) миллий кенгаш бўйича шартномалар орқали амалга оширилади. Глостер, Кардифе, Лондон ва Глазгодаги офислари мавжуд бўлиб, 170 та ходимлар ва 500 та талабаларни ҳам қўшгандаги текширувчилардан иборат.

##### **Бунда Университетлар тўртта аспектлар бўйича баҳоланади:**

*Академик стандартлар;*

*Таълим олиш учун тақдим этилаётган имкониятлар сифати;*

*Яхшилаш ва такомиллаштириш стратегияси;*

*Ахборотларни тақдим этиш.*

*Академик стандартлар* – талабанинг курсида улгуриши ва малака олиши учун зарур бўладиган минимал ютуқ. Ушбу стандартлар бир муассасадан бошқасига ўзгармаслиги лозим.

*Академик сифат* – ўқув муассасасининг талабаларнинг таълим олишига кўрсатадиган хизматлари кўрсаткичи: ўқитиш, мумкин бўлган қўллаб-қувватлашлар, баҳолаш тизими ва ресурслар мавжудлиги.

*Яхшилаш/ такомиллаштириш* – бу:

- унинг ёрдамида таълим муассасасининг кўрсатаётган таълим сифатини тизимли равишда яхшилаш жараёни ва талабалар учун уларнинг таълим жараёнида қўллаб-қувватлаш усуллари;

- турлича кўринишларда, турлича даражаларда рўй бериши мумкин, лекин ОТМлар шунини тушунишлари керакки, улар талабаларнинг таълим олишларини ва сифатини яхшилаш, шунингдек, қаерда яхшилаш зарур бўлишини аниқлаш учун белгиланган вазифаларни/ қоидаларни, тузилмалар ва жараёнларни жорий

*этишга масъуллик.*

*Яхшилашни кўриб чиқиш хоҳишини жорий этиш барча ўқув муассасалари бўйича ва, табиийки, сифатни таъминлашнинг асосий қисмларидан бирини ташкил этиши лозим.*

**Сифатни таъминлаш бўйича агентлик томонидан ахборотларни тақдим этиш жараёни:**

- 1. Тайёрланиш ва ўзини-ўзи баҳолаш.*
- 2. Хужжатлаштиришларни кўриб чиқиш.*
- 3. Муассасага ташкриф буюриш.*
- 4. Асосий натижалар ва маъруза.*
- 5. Хатти-ҳаракат режаси.*

**Баҳолашнинг мумкин бўлган натижалари:**

- Тавсия этиладиган;*
- Буюк Британия стандартларига мос;*
- Стандартларга мос келиши учун яхшилаш зарур;*
- Стандартларни оқламайди ва уларга мос эмас.*

**Талабаларнинг таълим олиш сифатидан қониққанлик даражаси**

- Талабаларнинг миллий тадқиқотлари 2008 йилда киритилган.*
- Талабалардан охирги курсда сўралади.*

**Сўровнома мавзулари:**

*Менинг курсимда таълим олиш*

*Баҳолаш ва шарҳлаш*

*Академик қўллаб-қувватлаш*

*Ташкил этиш ва бошқариш*

*Таълим олиш учун ресурслар*

*Шахсий ривожланиш имкониятлари*

*Умумий қониққанлик даражаси*

**Буюк Британия ОТМлари сифатини баҳолашда QAA фойдаланадиган саволлар**

- Сиз нимага эришишга ҳаракат қиласиз?*

- Нима учун Сиз буни қилишга ҳаракат қиласиз?
- Сиз буни қандай қиласиз?
- Нимага Сиз буни айнан шунақа қиласиз?
- Нимага бу энг яхши усул?
- Бунинг ишлашига Сиз қандай ишонасиз?
- Бунинг ишлашини Сиз нима билан исботлайсиз?

**Европа таълим муассасаларининг асосий функциялари қуйидагилар ҳисобланади:**

- Таълим берувчи
- Илмий - тадқиқот
- Тадбиркорлик

**Тадбиркорлик университетлари(ТУ)нинг асосий тавсифлари**

1. Университетнинг бошқарув ядросини кучайтириш.
2. ОТМдан ташқарида гуруҳлар ва ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтириш.
3. Молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш.
4. ОТМ бўлинмаларининг тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш.
5. Яхлит тадбиркорлик маданиятини ривожлантириш.

**ТУ концепциясини самарали жорий этиш омиллари:**

- жаҳоннинг илгор университетлари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ОТМни бошқариш;
- инновацион-тадбиркорлик инфратузилмаси объектларини шакллантириш;
- молиявий манбаларни ва бошқарув дастакларини кенгайтириш ва улардан хусусий ривожланиш учун фойдаланиш;
- асосий профессор-ўқитувчилар таркибини ва барча тадбиркорлик маданиятини рағбатлантириш, университет тадбиркорлик лидерларни қўллаб-қувватлаш(ОТМ билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот лойиҳалари ва бошқаларни жорий этиш истиқболли кичик корхоналарни яратиш).

## **Буюк Британия тадбиркорлик университетларига мисоллар:**

### **1. Ковентри университети**

2011 йилда кичик ва ўрта бизнес вакилларига кўрсатган маслаҳатлари сони бўйича биринчи ўринни эгаллаган ҳолда йирик тижорат ташкилотлари билан тузилган маслаҳат шартномалари сони бўйича энг зўр бешталикка кирди.

### **2. Лондоннинг империя коллежи**

Бир йил давомида хусусий корхоналар томонидан молиялаштирилдиган илмий тадқиқотлар бўйича 30 млн. фунт стерлинг топган.

Университетда Буюк Британияда биринчи технология трансфери кафедраси яратилган. Шунингдек, талабалар, тадқиқотчилар ва бизнесменларга янги ғояларининг алмашишига имкон берадиган бозорда янги технологияларни жорий этишда бир-бирига ёрдам берадиган тадбиркорлик маркази ташкил этилган.

## **Муҳокама учун саволлар**

1. Ўзбекистонда таълим сифатини таъминлаш тизими моҳияти нималардан иборат?
2. Сифатни таъминлаш тизимида давлатнинг роли қанақа?
3. Таълим муассасаларини ташқи баҳолашни бир мунча муваффақиятли ўтказиш учун қандай ўзгартиришлар зарур?
4. ОТМларга ўзининг ички сифатини таъминлаш тизимини ташкил этишлари учун нималар зарур? Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қанақа аниқ таклифларинингиз бор?
5. Ўзбекистонда таълим сифатини таъминлаш тизимини такомиллаштириш жараёнида халқаро тажрибанинг роли қанақа?

### 3-мавзу:

## Таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндашувлари. Касбий таълим сифатини ошириш борасидаги замонавий ёндашувларнинг ривожланиш тенденциялари

*“Бутун умр учун эмас, балки бутун умр давомида ўқиш керак”*

### РЕЖА:

1. Таълимдаги ислохотлар тажрибалари. Болонья келишуви
2. Таълимни бошқаришнинг замонавий парадигмалари
3. Амалий топшириқлар

#### 1.Таълимдаги ислохотлар тажрибалари. Болония келишуви

1999 йил 19 июль куни 29 та давлат вакиллари(таълим вазирлари) Болония декларациясини имзоладилар. Унда ягона Европа таълим тизимини яратишнинг умумий мақсадлари ва тамойиллари шакллантирилди. Асосий мақсад таълим сифатини ошириш ва талабалар, докторантлар ҳамда ўқитувчиларнинг юқори мобиллигини таъминлаш учун шарт-шароитларни яратиш, бошқача айтганда, кенг имкониятларга эга бўлган очиқ ва янги жамиятни яратиш деб белгиланди. Бундай ёндашув Европанинг исталган университетларида ўқиш имкониятини беради.

Европа унинг ҳудудидаги мамлакатлар миллий таълим тизимларида рўй берган умумий ва чуқур ўзгаришлар даврига кирди. **Бу жараёнларнинг асосий элементлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

1. Миллий таълим тизимларининг ўзаро яқин ёки мос келувчи олий таълим малакалари ва икки даражали дастурларига ўтиши (шартли равишда - бакалавр/магистр).

2. Техникум таълимининг “боши берклиги”дан қутулиш ва йўқотилган ўқув йиллари ўрнига “кайта ўқиш” ҳолатларини максимал даражада бартараф этиш учун олий таълимнинг ноуниверситет сектори (ўрта махсус, касб-ҳунар

таълимнинг аналогини) мақомини ошириш;

3. Меъёрий ўқув муддатларини қисқартириш тенденцияси. Европада олий таълимдаги янги малакаларнинг таққослама тузилмаси қуйидагича: бакалавр – 3 йилдан кам эмас; магистр – 5(3+2) йилдан кам эмас;

4. Докторлик дастурларини ташкил этиш ва унинг тузилмасидаги ўзгаришлар. Илмий даражалар икки бўғинли тузилмаларининг бекор қилиниши. Бир қатор мамлакатларда бакалавр малакасини олгандан сўнг докторлик дастурига чиқиш мумкин. Моҳияти турли мамлакатлардаги университетларнинг ҳамкорликдаги докторлик тадқиқотларини амалга ошириш (кейинчалик – Умумевропа докторлик институти)дан иборат бўлган “Европа докторанти” дастури рағбатлантирилади.

5. Таълим сифатини таъминлашнинг янги, асосан номарказлашган механизмлари ва тадбирлари – ўз-ўзини баҳолаш, ташқи, иложи борича – халқаро, сифат аудити, мустақил ташкилотлар томонидан аккредитациялаш, сифатни баҳолашнинг барча тадбирлари ва натижаларининг оммавийлиги, олий ўқув юртлигининг бошқарув ва молиявий фаолияти шаффофлиги, “таълим сифатини бошқариш” концепциясини амалга оширишга ўтиш қабиларни жорий қилиш.

### **Болония жараёнининг қисқача мазмуни**

Болонья жараёнидан келадиган ҳақиқий самара республикамиз олий таълими учун малакали ишчи кучларининг халқаро бозорига чиқиши билан эмас, балки аввало, ўқув жараёнини ташкил этишнинг халқаро тажрибаларидан республикамизда мутахассислар тайёрлаш сифати ва унинг самарадорлигини оширишда фойдаланиш имкониятлари билан белгиланади. **Бундан ташқари, Болонья жараёни доирасида қуйидагилар кўзда тутилади:**

- таълимнинг бутун умр мобайнида (айниқса, дипломдан кейинги шакллар) тасарруф этила олинишини таъминлаш учун масофавий ва узлуксиз таълимни ривожлантириш;

- олий таълим амал қилишининг айрим йўналишларини ташкил этишнинг янги дастакларини, масалан, ўқув юкларининг академик соати ўрнига

жамғариб борилувчи ўтказма кредитларни жорий қилиш;

- иш берувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини ўзгартириш;

- дипломга ягона илова;

- европача олий таълим тизимини прагматик ва меҳнат бозорига йўналтирилган тизимга айлантириш;

- европача таълим рақобатбардошлигини икки бўғинли тизим – таянч бўғинидаги оммавий тайёргарлик ва кейинги босқичдаги танловли (тўловли) тайёргарлик таъминлайди.

**Болония келишуви “3+2” тизимидаги ягона бўғинли таълимни таклиф қилади:** дастлабки уч йилдаги ўқитиш бакалавр даражасини, кейинги икки йиллик таълим эса магистр даражаси олиншини кўзда тутди. Ҳар бир бўғинда маълум бир миқдордаги синов бирликлари (кредитлар)ни жамғариш лозим бўлиб, биринчи бўғин учун у 180-240 бирликка, иккинчи бўғин учун эса 90-120 бирликка тенгдир. Битта синов бирлиги 25-30 аудитория машғулотларига ва мустақил тайёргарликка мос келади. Талабанинг Европадаги бир университетдан иккинчисига ўтишида кредитларнинг ягона европача тизим бўйича қайта синовларни топшириши кўзда тутилади.

Ўқиш тугагандан сўнг ҳар бир битирувчи ягона кўринишдаги **Diplom supplement** дипломига иловани ҳам олиб, бу дипломларнинг конвертирланиши имкониятини беради. Иқтидорли талабалар ва олимлар эга бўладиган сафарбарлик уларнинг ўқиши ва ишлаши учун янги имкониятларни очади.

Бугунги кунда таълим маҳсулдор кўйилмалар соҳаси деб тан олинган. Таълимга инвестицияларнинг самарадорлигидаги юқори кўрсаткичлар уларнинг келгусида янада оширилиши зарурлигини тасдиқлайди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ)га аъзо мамлакатларда таълимга сарфланадиган бюджет маблағлари жами молиялаштириладиган маблағларнинг 80 фоизини, хусусий маблағлар эса 2-3 фоиздан (Финляндия, Португалия) 25 фоизгача (АҚШ) бўлган қисмини ташкил этади.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши қанчалик паст бўлса, давлат томонидан таълимни молиялаштириш улуши ҳам шунчалик паст бўлади (масалан, Гаитида 80 фоизлик қисми хусусий молиялаштиришга тегишлидир).

Бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишнинг асосан қуйидаги икки йўналишидан фойдаланилади:

- ўқиш учун сарф-харажатларнинг қисман ёки тўла, шу жумладан, таълим кредитлари орқали қопланишининг жорий қилиниши;

- хусусий сектор фаолиятини рағбатлантириш.

Юқори даражада ривожланган мамлакатларда хусусий сектор кўпинча таълимга талабга жавоб тарзида юзага келади. Сўнгги вақтларда таълимдаги бюджетдан ташқари маблағлар улуши ортиб бормоқда.

**Улар аҳолининг маблағларини қуйидаги йўналишлар бўйича жалб қилиниши ҳисобига шаклланади:**

- ўқиш учун ва маъмурий харажатлар учун тўловнинг жорий қилиниши;

- мактабдан кейинги таълимнинг нодавлат сектори кенгайтирилиши;

- тўловли талабалар кредитларининг жорий қилиниши; грантлар кўринишидаги миқдорий субсидияларнинг қисқариши;

- ўз ўқиши учун пул тўлай оладиган ишловчи талабалар улушининг кўпайиши.

Тўловли ўқиш Канада, АҚШда кенг ёйилган, Австралия, Австрия, Буюк Британия, Голландия, Португалия, Японияда жорий қилиб борилмоқда, Франция ва Бельгияда эса ўқиш учун тўловлар даражаси унчалик юқори эмас. Тўловли асосда ўқитиш ғоясига Дания, Швеция, Финляндия каби Скандинавия мамлакатлари қарши чиқадилар. Бунинг сабаби бўлиб, умумий ўрта ва олий маълумотга эга бўлган ишловчиларнинг иш ҳақи дифференциацияси нисбатан бўшлиғи саналади. Бундан ташқари, самарали талабалар кредитлари тизими амал қилади (Швеция).

Шундай қилиб, Болонья жараёнининг асосий мақсади: олий таълим олишга бўлган имкониятнинг кенгайтириши, Европа олий таълимининг келгусидаги сифати ва жозибadorлигининг ортиши, талабалар ва ўқитувчилар



сафарбарлигининг кенгайиши шунингдек, ОТМ битирувчиларининг барча академик даража ва бошқа малакалари ҳисобига меҳнат бозорида муваффақиятли ишга жойлашишларини таъминлаш.

### III. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

---

#### 1. Амалий топшириқлар

Илтимос “Таълим сифати” иборасини сиз қандай тушунишингизни ёзинг.

**Таълим сифати** – бу .....

**Таълим сифатини бошқариш** – бу.....

**Таълим сифати** – бу таълим олувчилар билимларининг нафақат таълим стандартларига мос келиши, балки ОТМнинг, шу жумладан, ҳар бир профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг таълим хизматларини таъминлаш йўналишларидаги муваффақиятли фаолият юритишидир.

**Таълим сифатини бошқариш** – белгиланган кўрсаткичлар учун ҳам тор, ҳам кенг маънода кафолатланган натижаларга эришиш учун барча бошқарув функцияларини амалга ошириш демакдир.

#### **Таълим парадигмасининг ўзгариши(5-7 пунктларни тўлдириг)**

- 1) Янги авлод ОТМ – юқори тафаккур ОТМ.
- 2) Янги авлод ОТМ – янги саволлар(муаммолар) ОТМ.
- 3) Янги авлод ОТМ – ижодиёт ОТМ, креатив ОТМ.
- 4) Янги авлод ОТМ – шахснинг “таълим заруриятлари” йиғиндиси

бўйича устуворликларининг мавжудлиги.

- 5) .....
- 6) .....
- 7) .....

#### **Топшириқ**

1) Замонавий шароитда жамият ривожланиш тенденцияси таълим муассасининг реал амалиётида қандай намоён бўлаётганлиги тўғрисида фикрлашни таклиф этамиз.



---

---

### **Мен ишлайдиган ОТМдаги вазият**

- Сифат менежментида янги дастур.
  - Таълимда умум сифат менежментини экспертизалашга катта талаб.
  - Инсон ресурслари(юқори малакали) жуда кам.
  - Инсон ресурслари сифатини қандай қилиб ошириш лозим.
- 
- 
- 
- 
- 
- 
- 
- 

### **Сабаб-оқибат диаграммаси**

---

---

---

---

---

---

---

---

**Талабаларга мижозлар сифатида эмас, “Инсонлар (=ёрдамчилар)” сифатида таълим бериш**

Саломлашиш – суҳбатлашиш оқибатлари.

Ҳайрон қолдириш, ғурур, мотивация, скептицизм.

Маърузаларни, адабиётларни, талабалар иштирокини режалаштириш.

Гуруҳ фаолияти ва лойиҳа иши.

Иш вазияти – “Сиз улар билан нималар қилдингиз”?

Диплом иши(Битирув иши, Магистрлик диссертацияси):

Танловда иштирок этиб ўрин олинди(олинмади).

---

---



---

---

---

---

---

---

---

---

**Таълим тизimini қандай қилиб яхшилашимиз мумкин?**

(У.Э.Деминг 1993. “Янги иқтисодиёт - индустрия, давлат, таълим учун” китобидан):

“Таълимни бошқаришни такомиллаштириш, ҳар бир ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини яхшилаш учун қўлланиладиган тамойиллардан фойдаланишни талаб этади.

Инновация ва таълимни такомиллаштириш етакчи(лидер)ларни талаб этади.

Лидерлик ҳар бир ўзгаришлар/ таълимни яхшилаш учун асос ва замин ҳисобланади.

Қонун – ўзгаришларни қабул этиш ёки воз кечиш.

---

---

---

---

---

**Демингнинг ўрганиш ва яхшилаш учун PDSA цикли**

**1. Plan** – яхшилашга йўналтирилган ўзгартириш ёки синаш(тест)

**2.Do** – ўзгаришларни ёки синаш(тестни) амалга ошириш

**3.Study** – Натижалар, биз нималарни ўргандик? Нима кутганимиздек бўлмади?

**4. Act(ҳаракатланмоқ)** – ўзгаришларни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ёки циклдан қайтадан ўтиш.

---

---

---

---

---

---

---

**Умуман PDSA таълим олиш ва яхшилаш учун умумий цикл**

**1. Plan** – тасаввур, миссия, мақсадлар, йиллик стратегиялар

**2. Do** – алоқалар, кенгайтириш, иштирок этишни амалга ошириш

**3. Study** – мақсад ва натижаларни таққослаш, йўқотишларни таҳлил этиш, сабабларни топиш

**4. Act(ҳаракатланмоқ)** – ОТМ амалга оширади/ режалаштиради.

---

---

---

---

---

---

---

**Сифатни яхшилаш:**

**Режалаштириш, реализация ва кузатишда:**

**PDSA** цикли ёндашуви самарали бўлиши мумкин ва шунга мувофиқ балки самарадор бўлиши мумкин.

- Мазкур ёндашув моҳиятининг кучи оддий, тушунарли ва шунга мувофиқ осон қўлланилувчи.

- Бир мунча комплекс ёндашув Европа такомиллаштириш моделидан / Европа илғор тажрибалар модели каби ўзини ўзи баҳолаш ва илғор ташкилий ўзгаришлардан фойдаланишдан иборат.

- Асосий эътибор таълим ва ўқитишни яхшилашга қаратилган тақдирда шаклланиш ўзгариши мумкин. Бунда ОТМ ушбу ўзгаришларда қатнашганми?

---

---

---

---

**Илғор тажрибага эришиш мумкин агарда.....**

Ҳар бир талаба тўғрисида ғамғўрлик ва ҳурмат қилинса

*Бошқаларга қараганда кўпроқ ғамхўрлик қилиш мақсадга мувофиқ  
Талабаларингизнинг ишончи: уларни сизнинг таълимингизга жалб этади.*

*Бошқалар хавфсиз деб ўйлаганига қараганда риск кўпроқ.*

*Одамлар орзусиз ўлиб кетишади.*

*Амалдагига қараганда бошқалар ўйлашадиган орзулар кўпроқ.*

*Такомиллашув учун кутиш энг юқори мотивация.*

*Бошқаларга қараганда, кўпроқ кутиш мумкин.*

---

---

---

---



## IV. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

---

### Мустақил таълим мавзулар рўйхати

1. Олий таълим сифатини аниқлаш борасидаги замонавий ёндашувлар.
2. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш муаммолари.
3. Таълим ва тарбия сифатини таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш йўллари.
4. Таълимнинг умум сифат менежменти концепцияси ва уни амалиётга жорий этишдаги муаммолар.
5. Таълим сифатини бошқаришнинг замонавий усуллари
6. Олий таълим тизимида TQM умум сифат менежментининг ўрни.
7. Таълимнинг умум сифат менежментида баҳолаш муаммолари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.
8. Таълимнинг умум сифат менежментида стандартлаштириш муаммоси.
9. Таълимнинг умум сифат менежментида аккредитация муаммоси.
10. Таълимнинг умум сифат менежментида рейтинг масалалари.
11. Олий таълим тизимида сифат менежменти методологиясининг ўзига хос жиҳатлари.
12. Давлат таълим стандартининг кадрлар тайёрлаш сифатига бўлган таъсири
13. Олий таълимда сифатни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари.
14. Олий таълимда сифатни бошқаришни ривожланиши ва бошқарув моделлари.
15. Таълим сифати менежменти субъекти ва унинг фаолиятини ташкил этиш механизмлари.
16. Таълим тизимида сифат менежментини жорий этишнинг ташкилий ҳуқуқий асослари.
17. Олий таълим муассасаларини аттестациялаш ва аккредитациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва тартиби.

18. Олий таълим сифатини бошқаришга қўйиладиган замонавий талаблар.

19. Олий таълим муассасаси имиджи ва унга таъсир этувчи омиллар.

18. Замонавий таълим сифатини бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларининг роли.

19. Сифатни таъминлаш жараёнларининг олий таълим муассасаларини бошқариш ва ташкил этишга таъсири.

20. Таълим сифатини оширишга инновацион ёндашувлар.

21. Олий таълимда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш муаммолари.

22. Юксак малакали сифатли кадрлар тайёрлашга таъсир этувчи омиллар.

## V. ЛОЙИҲА ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

---

### Мавзулар рўйхати

1. Сифат менежментининг замонавий дастакларидан самарали фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш масалалари
2. Юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш.
3. ОТМларда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.
4. ОТМ рақобатбардошлигини оширишни бошқаришни такомиллаштириш.
5. ОТМ талабалари рақобатбардошлигини ошириш йўллари.
6. ОТМ битирувчилари рақобатбардошлигини шакллантириш механизмлари.
7. Олий таълим сифатини баҳолаш: Европа ва АҚШ тажрибаси
8. Олий таълим сифатини баҳолаш: Япония ва Хитой тажрибаси.
9. Замонавий таълим сифатини бошқаришнинг методологик ёндашувлари.
10. Таълим сифатини бошқариш тизимини шакллантиришга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш
11. Олий таълим сифатини бошқаришнинг замонавий ёндашувлари ва улардан республикамизда фойдаланиш истиқболлари.
12. ОТМ сифатини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш йўллари.
13. Олий таълим тизимида сифат менежменти амалиётини такомиллаштириш йўллари
14. ОТМ фаолияти натижаларига таъсир этувчи ташкилий-педагогик омиллар.
15. Таълимнинг умум сифат менежменти концепцияси, уни амалиётга жорий этиш муаммолари ва истиқболлари.

16. Олий таълим тизимида сифат менежменти методологиясини такомиллаштириш йўллари.

17. Олий таълимда сифат менежменти усуллари ва дастакларидан самарали фойдаланиш йўллари.

18. Олий таълим тизимида сифат менежментини жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

19. ОТМларда таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш механизмлари

20. Таълимнинг умум сифат менежменти (Total Quality Education Management - TQEM) концепциясини республика ОТМларида жорий этиш масалалари.

21. Олий таълим сифати менежментининг илғор хорижий тажрибалари ва улардан республикамиз ОТМларида фойдаланиш истиқболлари.

22. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни такомиллаштириш

23. Таълим сифатини оширишда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ўрни

24. Олий ўқув юртларида таълим хизматлари маркетинги сифатини ошириш йўллари.

25. Олий таълимда сифат менежментини ривожлантириш стратегияси.

26. ОТМда кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш йўллари.

27. Замонавий ОТМларда таълим сифатини бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари: минтақавий жиҳат.

28. Олий таълим сифатини баҳолаш мезонлари ва индикаторлари.

29. TQM концепцияси асосида таълим сифатини ошириш ёндашувларини шакллантириш

30. ОТМ ва ишлаб чиқариш ўртасидаги консорциумни ривожлантириш йўналишлари

## VI. ГЛОССАРИЙ

---

**Аккредитациялаш** – таълим муассасасини баҳолаш ва тан олиш бўйича тадбирлар тизими, шунингдек, улар тавсия қилган тайёрлов дастурларини мазмуни, тўлақонлигича, ўқитиш даражаси ва унинг сифатини тан олиш.

**Доимий яхшилаш(Permanent Improvement)** – талабларни бажариш қобилиятини яхшилаш бўйича такрорланувчи фаолият.

**Давлат таълим стандарти** – бу таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва маънавий сифатларнинг энг қуйи миқдори илмий асосларда белгилаб берилган расмий педагогик ҳужжат.

**Замонавий сифат менежменти** – бу раҳбарлик ва қўллаб-қувватлашнинг самарали таркиби бўлиб, қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. ОТМда сифат менежменти ғоялари ва усулларида фойдаланиш барча бўғинларда: ОТМ даражасида, унинг бўлимларида, факультет ва кафедраларида, талабалар билими, малакаси ва кўникмалари шаклланадиган ва истеъмолчилар учун “қадриятлар, қийматлар” яратиладиган аудиторияларида амалга оширилиши зарур.

**ИСО(ISO- International Organization for Standardization)** – бутун дунё бўйича Халқаро стандартларни ишлаб чиқувчи ва қайта ишловчи ташкилотдир. Бу ташкилотнинг бошқарув органи Швецариянинг Женева шаҳрида жойлашган бўлиб, ўз фаолиятини 1948 йилда бошлаган. Ҳозирда 162 давлат миллий стандартлаштириш институтларини ўзида бирлаштирган.

**ИСОни тузилишидан асосий мақсад** – халқаро миқёсдаги мол алмашинувида ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё кўламида стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий,

техникавий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасида ҳамдўстликни ривожлантиришдир.

**Кайдзен**, кайдзэн (яп. 改善 ; *кайдзэн; Kaizen*; бу – ишлаб чиқариш жараёнларини, ишланмаларни, ёрдамчи бизнес-жараёнларни ва бошқарувни, шунингдек, ҳаётнинг барча жабҳаларини тўхтовсиз такомиллаштириб боришга йўналтирилган япон фалсафаси ёки амалиётидир.

**Олий таълим муассасаси аттестацияси** – олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг ОТ ДТС талабларига мувофиқлигини аниқловчи тадбир.

**Олий таълим муассасаси аттестацияси (Institutional Attestation)** – ОТМ таълим фаолиятини давлат-жамоат томонидан назорат этишнинг асосий шакли.

**Олий таълим муассасаси аккредитацияси** – олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг ОТ ДТС мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

**Олий таълим муассасасининг ички истеъмолчилари (Internal Customers)** – талабалар, профессор-ўқитувчилар таркиби, ОТМ ходимлари.

**Олий таълим муассасасининг ташқи истеъмолчилари (External Customers)** – таълим муассасасининг ташқи истеъмолчилари-иш берувчи ташкилотлар, давлат, жамият ва бошқа манфатдор томонлар.

**Сифат бўйича раҳбарият (Quality Manual)** – ОТМда сифат менежменти тизимини аниқловчи ҳужжат.

**Сифат маданияти (Quality Culture)** – ОТМни бошқариш тизими ва ташкилий маданиятида керак бўладиган умум қабул қилинган (сифат тамойиллари деб номланувчи) сифатнинг комплекс моделлари йиғиндиси.

**Сифат менежменти (quality management)** – бу сифатга йўналтирилган раҳбарлик ва бошқаришнинг мувофиқлаштирилган фаолиятidir. У сифат менежменти тамойиллари ва дастакларидан фойдаланишга асосланган, менежментнинг барча функцияларини назарда тутган ҳолда ташкилотга таъсир этувчи узлуксиз жараён ҳисобланади.

**Сифатни режалаштириш(Quality Planning)** – таълим сифати бўйича мақсадлар ва талаблар билан боғлиқ сиёсатни, стратегияни шакллантиришга йўналтирилган фаолият.

**Сифат соҳасидаги сиёсат (Quality Policy)** – олий раҳбарият томонидан расмий шакллантирилган ОТМнинг сифат фаолияти соҳасидаги умумий хоҳишлари ва йўналишлари.

**Сифат соҳасидаги мақсадлар(Goals of Education)** - ОТМнинг сифат соҳасида нимага интилиши ёки эришиши.

**Сифатни таъминлаш** – сифат тизими доирасидаги барча режалаштирилган ва тизимли амалга оширилаётган фаолият турларини ўз ичига олади. Буларга объект (маҳсулот, жараён ёки хизмат) истеъмолчи талабини қондиришига етарлича ишончни тасдиқлаш ва ҳосил қилиш заруриятидан келиб чиқадиган фаолият турлари киради.

**Сифатни яхшилаш** – бу самарадорлик ва натижавийликни ошириш мақсадида ташкилотларда амалга оширилаётган тадбирларни ва ташкилот ҳамда истеъмолчи фойдаси учун қилинаётган тадбирларни ўз ичига олади.

**Сифат тизимини сертификатлаштириш ва баҳолаш тармоғи – EQNET** – бу сифатни таъминлаш тизими бўлиб, ўзида сертификатлаштириш билан шуғулланувчи 17та Европа миллий ташкилотларини бирлаштиради.

**Таълим вазифаси** – раҳбарнинг ташкилий-педагогик фаолияти натижавийлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

**Таълим дастури(Academic Program)** – таълим мазмунининг маълум даражада ва йўналишдаги мазмун-моҳиятини аниқловчи ҳужжат(ҳужжатлар йиғиндиси)

**Таълим натижаси** – ташкилотни самарали бошқариш методикаси ва технологияларини эгаллаш.

**Таълим сифатини баҳолаш (Academic Quality Assessment)** – таълим сифатига бўлган талабларни бажариш борасидаги ишончни яратишга қаратилган барча фаолият турлари. Фаолиятнинг ушбу турига ОТМда сифат менежменти тизимини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш, лицензиялаш, аттестация ва аккредитациялаш, шунингдек, ички ва ташқи аудитларни олиб бориш бўйича ОТМ фаолияти, манфаатдор томонлар ва учинчи томон киради.

**Таълим тизимининг мақсади** – бу кўрсатилган вақт давомида таълим муассасаси томонидан таълим жараёнини мувофиқлаштирилган ҳаракатлар билан эришиш мумкин бўлган исталган ҳолат ёки натижа.

**Таълим тизимида маркетинг тадқиқотларининг мақсади** – истиқболли таълим эҳтиёжларини аниқлаш, уларнинг қониқтирилганлик даражасини баҳолаш, истеъмолчилар хулқ-атвори гипотезасини текшириш ва прогнозлаштиришдан иборат.

**Таълим хизмати(маҳсулоти) (educational product)** – таълим билан боғлиқ бўлган хизмат(маҳсулот). Хизмат ҳам жараён ҳам натижа ҳисобланади.

**ТҚС** – бу ўрнатилган талабларни бажариш мақсадида сифатни бошқариш ва назорат қилишни талаб қилади.

**ТҚМ концепцияси** – бу ўзида ОТМда унинг асосий фаолияти маҳсулотлари ташқи муҳит эҳтиёжларини ҳар томонлама тадқиқ этиш натижасида аниқ-равшан шакллантирилган миссиянинг шакллантирилганлигини, стратегик мақсадлар ишлаб чиқилганлигини намоён этади.



## VII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

---

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси–Т.: “Ўзбекистон”НМИУ, 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт

соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365- сонли Қарори.

11. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

12. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – утувор вазирамиздир” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом

этириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 16 январь.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” номли маърузаси . //“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 январь.

16. Басовский Л. Е., Протасьев В. Б. Управление качеством: Учебник. – М.: ИНФРА – М, 2008. –212 с. – ( Серия” Высшее образование”)

17. Мазур И.И., В.Д. Шапиро. Управление качеством: уч. пособ. для студентов вузов – М.: Изд-во Омега - Л, 2006.

18. Национальные системы обеспечения качества высшего образования IndexInfo Маркетинговые исследования. Ташкент 2009

19. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти.Т.: “Молия” нашриёти, 2002 й. 184 б.

20. Скрипникова Л.В.Современные подходы к управлению качеством подготовки специалистов в высших учебных заведениях/ Известия ВГПУ, №1(262), 2014.

21. Westerheijden D.F. Systems of quality assessment in European higher education: paper presented to the 4 th EAIE Conference, Berlin, 5-7 November, 1998.

#### **Интернет сайтлари:**

[www.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz). – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг веб сайти.

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz). – ТДПУ сайти

[www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). – Таълимнинг янги уфқлари.

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

